



**EZGU FIKR, EZGU SO'Z, EZGU AMAL!**

27-IYUN – O'ZBEKISTON MATBUOT VA OMMAVIY  
AXBOROT VOSITALARI XODIMLARI KUNI

# ILM SARCHASHMALARI

AL-XORAZMIY NOMLI  
URGANCH DAVLAT UNIVERSITETINING  
ILMIY-METODIK JURNALI



2015 – 6

**INDEKS 1072**

ISSN 2010-6246



9 772010 624002

ратилган лугатида *огиз* лексемаси иштирок этган катор фразеологизмларнинг маънолари маълум даражада ёритилган.<sup>1</sup>

Харакат англатувчи фразеологизмлар ( $\Phi_{\text{огиз хар}}$ ): *огзига урмоқ, огзидан бол томмоқ, огиз жуфтламоқ, огиз кўпиртирмоқ, огиз-бурун ўпишмоқ; огзига қарамай, огиз очирмаслик* сингари. Ҳолат англатувчи фразеологизмлар ( $\Phi_{\text{огиз ҳолат}}$ ): *огзига талқон солмоқ, огзига қатиқ ивитмоқ, огзига қарамоқ, огзининг таноби қочмоқ, огзи ошига етганда* кабилар. Белги англатувчи фразеологизмлар ( $\Phi_{\text{огиз адр}}$ ): *огзидан она сути келмоқ, огзи катта, огзи қулогида, қўй огзидан чўп олмаган, бир огиз (сўз, гап), бир-икки огиз* тарзида.

Юз ҳаракати, ҳолати билан боғлиқ фраземалар ( $\Phi_{\text{юз}}$  **моделли**): *юзига қон югурмоқ, афти совуқ, чехраси очиқ* кабилар. *Қути ўчди* фразеологизми ҳам мана шу каторга киритилиши мумкин, чунки ушбу фразема таркибида *юз* лексемасига ишора мавжуд (*юзининг қути ўчди*). Бундан ташқари, киши **ички аъзолари** ҳолатига боғлиқ фраземалар ҳам учрайди: *ўпкаси тўлмоқ, юраги орқасига тортмоқ, юрак-бағри эзилмоқ* сингари. Ушбу фразеологизмлар илмий манбаларда кўркинч, изтироб, хафалик семаларига эга бўлган фразеологизмлар сифатида берилади.<sup>2</sup>

Таъкидлаш керакки, айрим фразеологизмлар киши киёфасига хос тасвирни ифодалаш учун ҳам қўлланилади. Масалан, *эти суягига (устухонига) ёпишган, бир қошиқ сув билан ютгудек* ва шу кабилар. Булар киши киёфасининг маълум тасвири ( $\Phi_{\text{маъс}}$  модели) бўлиб, ушбу фразеологизмларда таъсирчанлик, услубий бўёқдорлик юқори даражада бўлади.

Ўзбек тилининг ўзига хос ифода имкониятларини турли семантик умумийликлар остида бирлашган фразеологизмлар орқали ҳам аниқлаш катта аҳамиятга эга. Бунда фразеологизмларни муайян умумий ва хусусий семалар ёрдамида таҳлил қилиш ва шу асосда моделлаштириш мақсадга мувофиқ.

Манзура Абжалова (Навоний Давлат кончилиқ институти)

## МАТНЛАРНИ АВТОМАТИК ТАҲРИР ВА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ДАСТУРИНИНГ ЛИНГВИСТИК ТАЪМИНОТИ МАНБАЛАРИ

*Аннотация.* Ҳар қандай лингвистик дастур юқори сифатли бўлиши учун унинг асосини ташкил қиладиган таъминотни яратишда лингвистик меъёрларга таяниш лозим. Мазкур мақолада матнларни автоматик таҳрир ва таҳлил қилиш дастури қандай лингвистик манбалар асосида яратилиши ва такомиллаштирилиши борасида сўз юритилган.

*Аннотация.* Для того чтобы, каждая лингвистическая программа была высококачественной необходимо опереться на лингвистические нормы, при создании составляющей её основу обеспечения. В данной статье говорится о том, что как и на каких основе лингвистических источников создаётся и совершенствуется программа автоматического редактирования и автоматического анализа текстов.

*Annotation.* In order to achieve high quality of the linguistic software program it should be relied upon the linguistic norms. In this article it is said that how and on what basis of linguistic sources created and perfected the program of automatic editing and the automatic analysis of texts.

**Калим сўзлар:** лингвистик таъминот, автоматик таҳрир, автоматик таҳлил, қомусий лугатлар, филологик лугатлар, тезаурус, онтологик лугат, ўзбек тилининг миллий корпуси.

<sup>1</sup> Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик лугати. Тошкент, "Ўқитувчи", 1978.

<sup>2</sup> Нурмонов А., Расулов Р. Ўзбек тили жадвалларида. Тошкент, "Ўқитувчи", 1993, 50-бет.

**Ключевые слова:** лингвистическая база, автоматическое редактирование, автоматический анализ, энциклопедические словари, филологические словари, тезаурус, онтологический словарь, национальный корпус узбекского языка.

**Key words:** linguistic base, automatic editing, automatic analysis, encyclopedic dictionaries, philological dictionaries, thesaurus, ontological dictionary, national case of the Uzbek language.

Лингвистик процессорни яратишда кайта ишланаётган табиий тил ҳақида етарли даражада лингвистик маълумотга эга бўлиш талаб қилинади. Бу, ўз навбатида, лингвистик процессорнинг мукамал бўлишини таъминлайди. Лингвистик маълумотлар – бу табиий тилнинг адабий меъёрлари.

Ўзбек тилидаги матнларни автоматик таҳрирлаш дастурининг лингвистик процессорини яратишда тилшуносга ўзбек адабий тилининг лингвистик лугатлари ва грамматик қоидалар жамланмаси лозим бўлади.

Лугатлар дастур таъминотининг тўлиқ чиқишини таъминловчи манбалар ҳисобланади. Бизга маълумки, лугатлар лингвистик ва комусий турларга бўлинади. **Қомусий лугатларда** илмий, сиёсий, адабий, ижтимоий тушунчалар, мавжуд предмет ҳамда ходисалар ҳақида маълумот берилади. “Ўзбек миллий энциклопедияси”, “Саломатлик энциклопедияси”, “У ким, бу нима” каби лугатлар шулар жумласидандир. **Филологик лугатлар** лингвистик бирлиги (сўз ёки сўз бирикмаси), структураси, лексик камрови (маълум бир соҳага оид терминлар лугати ёхуд умумий лексик лугатлар) билан бир-биридан фарқланади. Лугатдаги мавжуд лексема ҳақидаги маълумот *лугат мақоласи* деб номланади.

Лингвистик лугатлар орасида компьютер лингвистикасида нисбатан кенг тарқалган тури **морфологик лугат** ҳисобланади. Бундай лугатда лексеманинг қайси туркумга оидлиги, унинг англатадиган маънолари рўйхати, агар лексема флектив тилга оид бўлса, унинг ўзгариш ҳолатлари ҳам (масалан, писать-пишу, водить-вожу; child-children, man-men) ақс этган бўлиб, лугат матнларни морфологик таҳрир қилишда ёрдам беради. Лингвистик процессорни яратувчи ўзининг иш услубига асосан, лугатга грамматик қўшимчалар киритиши мумкин.

Ўзбек тилидаги матнларни автоматик таҳрир қилиш дастурининг морфологик таҳрирлаш босқичининг модулларини яратишда ҳам морфологик лугат жуда муҳимдир. Аммо бундай лугатнинг йўқлиги боис, асосий манба вазифасини бажарувчилар сифатида А. Гуломов томонидан тузилган “Ўзбек тилининг морфем лугати” (Тошкент, 1977) ва бир қатор имло лугатларидан фойдаланилди.

“Ўзбек тилининг морфологик лугати” яратилмагани сабабли имло лугатларидаги лексемаларнинг қайси сўз туркумига оидлигини аниқлашда “Ўзбек тилининг изоҳли лугати” (Тошкент, 2006–2008) муҳим ёрдамчи манба ҳисобланади. Лексеманинг ўзига қандай қўшимчаларни бириктира олиши, қўшимчалар комбинацияларини тузишда “Ўзбек тилининг морфем лугати”га таянилди.

Маълумки, ёзувчининг тил маҳорати, энг аввало, синонимик бирликлар устида ишлаш маҳоратидир. Синонимик қатордан мос, керакли бирликни танлаб олиш экспрессивликни, субъектив баҳони аниқ ифода этишнинг энг тўғри йўли бўлганлиги туфайли у матн тузишда зарур лингвистик восита саналади. Бунинг устига тилда синонимик вариантлар борлиги учун услубий меъёрни белгилаш имконияти мавжуд. А.Ҳожиевнинг “Ўзбек тили синонимларининг изоҳли лугати” (Тошкент, 1974) ана шу синонимик вариантларни фарқлашда амалий ёрдам беради.

Фразеологизмлар моҳият эътибори билан, асосан, сўзлашув ва бадиий нутқ мевасидир. Улардаги бошқа услубга хос чегараланишлар эса маълум муддат кейин юзага келади. Масалан, биргина *ўлмоқ* маъносини англатадиган юзга яқин фразеологизмлар синонимик қаторининг пайдо бўлиши уларнинг вазифавий чегараланиш имкониятини тугди-

ради. Масалан, бу тизимга кирадиган *оламдан ўтмоқ, дунёдан ўтмоқ, омонатини топширмақ, қулоғи остида қолмоқ, жон бермоқ* шакллари сўзлашув услубида ишлатилса, *вафот этмоқ, ҳаётдан кўз юммоқ, дунёдан кўз юммоқ, ҳаёт билан видолашмоқ* кабилар илмий, оммабоп ва расмий услубларда учрайди. *Аллоҳ раҳматиға йўл тутмоқ, шаҳодат шаробини ичмоқ, дорилфанодан дорилбақоға рихлат қилмоқ* сингарилар эса бадиий матнга тегишлидир. Бундан кўриниб турибдики, фразеологизмлар лугати дастурнинг мукамаллигини таъминловчи манбалардан бири ҳисобланади. Бу борада биз Ш.Раҳматуллаев томонидан нашрга тайёрланган "Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик лугати" (Тошкент, 2001)га таянамыз.

Маълумки, матнни ёзиш жараёнида нуткимизда талаффузи бир-бирига яқин лексемаларни янглиш алмаштириб ёхуд айтилиши бўйича ёзиш ҳоллари ҳам учрамоқда. Масалан, *танбур* ўрнига *тамбур*, *адил* ўрнига *адл*, *тери* ўрнига *тире*, *ёнилги* ўрнига *ёқилги*, *судхўр* ўрнига *сутхўр* қўллаш каби. Кўпчилик биладиган АЁҚШ аббревиациясининг кенгайтмаси *автомобиль ёнилги қўйиши шохобчаси* эканлигига аҳамият бермайди. Шунинг учун *автомобиль ёқилги қўйиши (ёхуд қўйиши) шохобчаси* деб ўйлашади. Ваҳоланки, *ёнилги* – газ, керосин, бензин каби ёнувчи суюкликлар мажмуи; *ёқилги* – ўтин, кўмир кабилар мажмуи.<sup>1</sup> Шуни назарда тутиб, бундай лексемаларнинг маъноларини фарқлаш максасида А.Маъруфовнинг "Паронимлар лугати" (Тошкент, 1974)га юзланамиз. Матнни киритувчи шахс лексеманинг тўғри киритилганига шубҳа қилаётган пайтида дастур процессорига киритилган паронимлар лугатига мурожаат қилади ва лексеманинг аниқланган маъносига қараб уни ўз ўрнида қўллайди.

Автоматик таҳрирлаш дастурини яратишдаги энг катта лингвистик муаммолардан бири – бу омонимлик ходисасини автоматик тушуниш масаласи. Ушбу масала бирмунча долзарб бўлиб, унинг ечимини топишда, албатта, махсус модуллар ишлаб чиқилади. Лингвистик модуллар дастур базасидаги мавжуд сўзлар учун мўлжалланган бўлади. Шу боис базага Ш.Раҳматуллаевнинг "Ўзбек тили омонимларининг изоҳли лугати" (Тошкент, 1984) китобидаги ва бугунги кунгача нуткимизда пайдо бўлган бир қанча омоним бирликлар киритилади.

Лингвистик манбаларнинг ўта муҳим турларидан – булар **тезаурус** ва **онтологиялар** ҳисобланади. Тезаурус (юнонча *thesaurós* – хазина, бойлик) лугатнинг ўзига хос махсус кўриниши бўлиб, унда лугавий бирликлар ўртасидаги семантик муносабат (синонимлар, антонимлар, паронимлар, гипонимлар, гиперонимлар ва бошқ.) кўрсатилган бўлади.

Изоҳли лугатдан фарқи шундаки, тезаурус нафақат сўзнинг маъносини изоҳлайди, балки шу сўзнинг бошқа сўз ва терминлар билан қўлланишини кўрсатиб беради. Бу эса тезаурус лугатлардан сунъий интеллект тизимининг билимлар асосини оширишда фойдаланиш мумкинлигини кўрсатади. Бундай лугатларнинг оммалашуви инфорацион кидирув вазифасининг ечимини беради<sup>2</sup>.

Тезаурус тушунчаси билан онтология тушунчаси чамбарчас боғлиқ.<sup>3</sup> Онтология (юнонча *ontos* – борлик, *logos* – таълимот) – борлик ҳақидаги фалсафий таълимот. Онтологик лугатларнинг лингвистик ҳисобланишининг сабаби улар маълум бир тилнинг сўз бойлиги асосида тузилиши мумкин.

WordNet<sup>4</sup> тизими шундай лингвистик онтология ҳисобланиб, у йирик лексик ресурсдир. Ушбу тизимда инглиз тилидаги от, сифат, феъл, равиш туркумларига оид лексемалар ва уларнинг семантик боғланиши мавжуд. Тизимда кўрсатилган туркумларнинг ҳар биридаги сўзлар антонимлар, гипонимлар (жинс-тур), меронимлар (бутун-бўлак) билан

<sup>1</sup> Маъруфов А. Паронимлар лугати. Т., 1974, 20-бет.

<sup>2</sup> Лукашевич Н.В., Салий А.Д. Тезаурус для автоматического индексирования и рубрицирования: разработка, структура, ведение. НТИ, сер. 2, №1, 1996.

<sup>3</sup> Hirst, G. *Ontology and the Lexicon*. In.: *Handbook on Ontologies in Niformation Systems*. Berlin, Springer, 2003.

<sup>4</sup> Word Net: an Electronic Lexical Database. /Edit. by Christiane Fellbaum. Cambridge, MIT Press, 1998.

муносабатда бўлган синонимлар гуруҳи (*синсетлар*)га ажратилган. Тизим ресурси 25000 га яқин сўзни қамраган. Жинс-тур муносабати учун иерархик даражадаги сўзлар сони эса 15000 тани (7–8) ташкил этади. Иерархиянинг энг юқориги даражаси олам ҳақидаги асосий тушунчалар тизими – умумий онтологияни юзага келтиради.

Инглиз WordNet схемаси бўйича бошқа гарб тилларининг лексик ресурслари тузилган.

Нафакат матнларни автоматик таҳрир қиладиган дастурнинг, балки матнларни қайта ишловчи барча лингвистик дастурларнинг алоҳида лингвистик ресурси – бу табиий тилнинг грамматикаси. Биринчи ўринда грамматика ўзининг меъёрий коидалари билан муҳимдир. Грамматик коидалар сони синтаксис моделига боглик.

Компьютерли тезаурус ва компьютерли грамматик лугатларни тузиш дастурнинг лингвистик модулларини ишлаб чиқишдан кўра кенг кўламли ва сермашаққат ишдир. Шунинг учун компьютер лингвистикасининг муҳим вазифаларидан бири автоматлаштирилган лингвистик ресурсларни яратиш ҳисобланади.<sup>1</sup>

Мақола сўнгида ушбу хулосаларга келинди:

1. Матнларни компьютер воситасида қайта ишловчи мукамал дастурларнинг лингвистик базаларини яратиш учун бугунги кун табиий тилининг лугавий бойлигини ўзида қамраган турли лингвистик лугатлар лозим.

2. Ҳар қандай дастурнинг лингвистик базасини яратишда жуда керакли манба – бу “Ўзбек тилининг морфологик лугати”. Морфологик лугат тилшуноснинг вақтини тежайди ва натижага етишни тезлаштиради. Сабаби бундай лугатда бир лексеманинг қайси туркумга оидлиги ва барча сўзшакллари келтирилган бўлади. Бу эса дастурнинг мукамал чиқишини таъминлайди.

3. Ўзбек адабий тилининг грамматик коидаларини ўзида жамлаган “Ўзбек тилининг қисқартирилган электрон грамматикаси”ни яратиш даркор. Бундай электрон грамматика лингвистик базани яратишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Чунки тайёр манбанинг бўлиши тилшунос ёки дастурчини ўнлаб грамматик китоблар устида вақт сарфлаб изланишидан саклайди.

4. Ўзбек адабий тилига мансуб лексемаларни ўзида жамлаган “Ўзбек тилининг тезаурус лугати”ни яратиш керак. Шунда автоматик таҳрир дастурининг синтактик ва семантик таҳрир босқичлари муаммоларининг ечими ҳал этилади.

5. Ўзбек тилининг миллий корпусини яратиш лозим. Бу таркиби соҳалар бўйича гуруҳланган матнлар жамланмаси бўлиб, лингвистик модулларни яратиш борасида лингвистик тадқиқотлар олиб боришда қўл келади.

Дилрабо Рустамова (АнДУ)

## БОРЛИҚНИНГ ЛИСОНИЙ ТАСВИРИ МИЛЛИЙЛИК КЎЗГУСИДА

*Аннотация.* Ушбу мақолада глобллашув таъсирида миллий тил ва у билан боглиқ ҳолда миллий нигоҳ тушунчаларининг мулоқот жараёнида юзага чиқиш ҳолатлари таҳлил қилинади. Оламнинг лисоний манзарасини яратишда миллий тилнинг ўрни кўриб чиқилади.

*Аннотация.* В статье анализируется национальный язык и его связь с национальным мировоззрением под влиянием глобализации. Рассматривается место национального языка в изображении языковой картины мира.

*Annotation.* This article takes into consideration of national language in the relation with national view occurred on the process of conversation which is influenced by globalization.

<sup>1</sup> Hearst, M.A. Automated Discovery of WordNet Relations. In: Fellbaum, C. (ed.) WordNet: An Electronic Lexical Database. MIT Press, Cambridge, 1998, p. 131 – 151.

Matsumoto Y. Lexical Knowledge Acquisition. In: The Oxford Handbook of Computational Linguistics. Mitkov R. (ed.). Oxford University Press, 2003, p. 395 – 413.